

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№14/03-12

«29» Январь 2018 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири
А.Қ.Шадмановга

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари Андижон вилояти Хонобод шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳволини ўрганиб чиқишди.

Ўрганишлар давомида сайловчилар ҳудудлардаги бир қатор масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам беришни сўрашди. Мана шундай масалалардан бири бу мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган тиббиёт хамшираларининг малака ошириш масаласи.

Масалан, Хонобод шаҳар 4-МТМ хамшираси Ғофурова Саидахон 20 йилдан бери фаолият кўрсатаётган бўлсада бирор маротаба малака ошириш курсларида малакасини оширмаганлиги аниқланди. Шундай ҳолат Хонобод шаҳрининг мавжуд 5 мактабгача таълим муассасаларида ҳам кузатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сон қарори билан “Давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида”ги Низомининг 3-бобида тиббиёт ходимлари давлат мактабгача таълим муассасаси ходимлари билан биргаликда болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилиши, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, овқатланиш режими ва сифатига риоя қилиниши учун масъуллиги белгилаб қўйилган.

Юқорида келтирилган Низомда Давлат мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлашни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади дейилган.

Шу билан бирга давлат мактабгача таълим муассасаси тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш соғлиқни сақлаш тизимидаги малака ошириш муассасаларида ҳар уч йилда камида бир марта бепул амалга оширилиши ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги Низомга мувофиқ вазирликка Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

- мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш;

- мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини мувофиқлаштириш;

- болаларнинг ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича профилактик чора-тадбирларга раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириш;

- мактабгача таълим муассасалари тиббиёт ходимларининг малакаси мунтазам оширилишига кўмаклашиш каби вазифа ва функциялар юклатилган.

Бироқ, шунга қарамай таълим муассасаларида узок йиллардан бери ўз малакасини оширмасдан келаётган ходимлар, ўз навбатида соҳада амалга оширилаётган янгиликлардан ҳамда болалар билан ишларнинг замонавий услубларидан беҳабар бўлиб қолишига олиб келади.

Юқоридагиларга асосан қуйидаги масалаларга аниқлик киритиш лозим бўлади:

1) Андижон вилоятидаги мактабгача таълим муассасаларида (туманлар ва шаҳарлар кесимида) тиббиёт ходимларини сони, уларни охириги 3 йилда соғлиқни сақлаш тизимидаги малака ошириш муассасаларида малакасини оширганлари сони ва 3 йилдан ортиқ фаолият кўрсатиб ўз малакасини оширмаганлари сони;

2) Андижон вилоятидаги мактабгача таълим муассасалари тиббиёт ходимларини соғлиқни сақлаш тизимидаги малака ошириш муассасаларида малакасини оширмаганлигини сабаблари;

3) ушбу соҳада юзага келган муаммони бартараф этиш юзасидан вазирлик томонидан режалаштирилган ва тайёрланаётган чора-тадбирлар.

“Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ 15 кунлик муддат ичида Андижон вилоятидаги мактабгача таълим муассасалари тиббиёт ходимларини фаолиятини яхшилаш борасида юқорида санаб ўтилган масалалар юзасидан асослантилган тушунтириш беришингизни сўрайман.

Ҳурмат билан,

Депутат



А.Хамракулов